

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шокиров Фаттоҳ Фаррух ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий
ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бўлим бошлиги*

АННОТАЦИЯ: Ушбу тезисда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг Ўзбекистонда ривожланиши, бугунги кунда унинг қонун ижодкорлиги тизими ва ислохотлардаги роли ва аҳамияти муҳокама қилинади.

АННОТАЦИЯ: В настоящем тезисе обсуждается развитие института оценка регуляторного воздействия в Узбекистане, его сегодняшняя роль и значение системе законотворчества и реформ.

ABSTRACT: This thesis discusses the development of the regulatory impact assessment institute in Uzbekistan, its current role and significance in the system of lawmaking and reforms.

Калим сўзлар: ТСТБ, соддалаштирилган ва кенгайтирилган, жамоатчилик муҳокамаси, ex-ante ва ex-post

Ключевые слова: ОРВ, упрощенный и расширенный, общественное обсуждение, ex-ante и ex-post

Keywords: RIA, simplified and expanded, extended RIA, public discussion, ex-ante and ex-post

Аксарият манбаларга кўра Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими элементлари 2008 йилдан пайдо бўлишни бошлаган. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон

қарорига асосан махсус ишчи гуруҳ тузилиб, қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини йўлга қўйишнинг дастлабки чоралари белгилаб берилди.

Кейинги сезиларли қадам 2014 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича махсус низом тасдиқланиши бўлди. Мазкур низом билан тадбиркорлик субъектларига янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш, рухсатнома ва лицензиялар бўйича қўшимча талабларни киритиш, маълум бозордаги тадбиркорларнинг 30 фоиздан ортиғига таъсир кўрсатиш, тадбиркорлардан анча харажат талаб қилувчи шартларни жорий қилиш ҳамда уларга нисбатан янгича жавобгарлик чораларини киритишни назарда тутувчи лойиҳалар тадбиркорлик фаолиятига таъсири баҳоланиши кераклиги белгиланди ва уларни муҳокамадан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштириш амалиётига старт берилди.

2018 йил юқоридаги тартиб такомиллаштирилиб, барча лойиҳалар regulation.gov.uz порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурий этиб белгиланди. Бу янгилик демократия тамойилларининг ёрқин ифодаси сифатида жамоатчилик вакилларига Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий жараёнлар ва қонунчилик ўзгаришларида ўз таклифлари билан шахсан иштирок этиш имконини кенгайтirdи.

2020-2021 йиллар Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолаш элементларидан замонавий ТСТБ тизимига ўтиш даври бўлди.

Адлия вазирлиги ТСТБни мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди, янги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ТСТБ қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашнинг алоҳида босқичи сифатида эътироф этилди, тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилиши лозимлиги Қонун билан

белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан лойиҳалар (ex-ante) ва амалдаги (ex-post) ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсири баҳоланиши йўлга қўйилди.

Янги жорий этилган тизимга мувофиқ лойиҳа билан бирга ишлаб чиқувчи ташкилот ТСТБ бўйича ҳисоботни тайёрлаши, regulation.gov.uz порталида лойиҳа ва ҳисоботни жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштириши, иқтисодиёт ва молия, монополияга қарши кураш ва экология органлари билан келишиши ҳамда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза учун киритиши лозим эди. ТСТБ бўйича ҳисоботда муаммони ҳал қилишнинг муқобил усуллари, ислоҳот таъсир этадиган субъектлар доираси, юзага келадиган фойда ва харажатлар, рисклар ва тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур чоралар кўрсатилиши белгиланди.

Амалдаги ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш бўйича Ҳукумат томонидан ҳар йили махсус режа тасдиқланадиган бўлди. Масъул ташкилотлар режага асосан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий-иқтисодий натижадорлиги, тартибга солиш мақсадларига эришилиши жиҳатидан баҳолашдан ўтказиши ва худди лойиҳалар каби: жамоатчилик муҳокамаси, келишиш ва Адлия вазирлиги босқичлари белгилаб берилди.

Ислоҳотлар ўз самарасини берсада, масъул идораларнинг иш услубини ўзгартириш осон кечмади. Жумладан, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда ТСТБдан ўтказилиши зарур бўлган лойиҳаларнинг 36 фоизи бўйича ҳисобот ва хулосалар тайёрланмаган, 450 дан ортиқ ТСТБдан ўтказилган лойиҳаларнинг қарийб 1/3 қисмида ТСТБ қоидалари бузилиши кузатилган. Масъул идоралар ходимларини ўргатиш, ҳисоботларни такомиллаштириш ишлари ҳозир ҳам давом этиб келмоқда.

2024 йилда соҳани янги босқичга олиб чиқувчи яна бир ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони билан юртимизда бугунги кунда амалда бўлган ТСТБ

tizими архитектураси мустаҳкамлаб қўйилди.

Хусусан, Фармонга кўра, икки босқичли – соддалаштирилган ва кенгайтирилган ТСТБ тизими йўлга қўйилди. Бунда, тўлиқ лойиҳа ишлаб чиқилишидан олдин янги мажбурият, талаб, тақик, жавобгарлик ёки бошқа чекловларни белгилаш, тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар тақдим этиш масалалари баҳолашдан ўтказилиши, соддалаштирилган ТСТБда иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири даражаси юқори деб топилган лойиҳалар бўйича барча иқтисодий ҳисоб-китоблар киритилган кенгайтирилган ҳисобот шакллантирилиши белгиланди.

Бу ўзгариш Жаҳон анъаналарига мос дейишимиз мумкин. Боиси, ТСТБ жорий этилган барча давлатларда бутун қонунчиликни кенгайтирилган ТСТБ билан қамраб олиш имкони йўқлиги қайд этилган. Сифатли ТСТБ учун катта бирламчи маълумот базаси зарурлиги, тахминий сценарийларнинг барчасида ҳар бир субъект тоифасига бўладиган фойда ва харажатлар аниқланиши лозимлигини инобатга олсак Ҳукумат бюрократик тузилмаси, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ходимларнинг иш вақти самарадорлиги ва қонунчилик ислоҳотларининг ўз вақтида қабул қилиниши учун ҳар қандай лойиҳани тўлиқ ТСТБдан ўтказиш оғирлик қилади.

Фармонга асосан ex-post ТСТБ тизими ҳам такомиллаштирилди. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга киргандан сўнг унинг қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, ижросини таъминлаш ва баҳолаш учун статистик маълумотларни йиғиш мақсадида ҳар йили соҳа учун масъул органлар томонидан мониторинг олиб борилиши белгиланди.

Шундай қилиб, ислоҳотлар натижасида юртимизда:

ҳужжат ишлаб чиқувчилар томонидан соддалаштирилган ва кенгайтирилган ҳисоботларни тайёрлаш;

уларнинг иқтисодий, экологик ва рақобат муҳитига таъсирини махсус органлар билан келишиш;

хуқуқий экспертизада ТСТБ сифатли ўтказилганлигини текшириш;
лойиҳаларни regulation.gov.uz портали орқали жамоатчилик
муҳокамасидан ўтказиш ҳисобига халқ иштирокини таъминлаш;

қабул қилинадиган лойиҳалар мониторинги ҳисобига ex-post ТСТБ
учун зарур маълумот базасини шакллантириш;

махсус режалар асосида амалдаги ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш ва
уларнинг натижадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат
комплекс тизим бунёд этилди.

Эндиликда қилинадиган энг муҳим ишлар сифатида эса, давлат
идораларида сифатли ТСТБ кўникмаларини ошириш, ҳисоботларда
иқтисодий-ижтимоий ҳисоб-китоблар лойиҳаларнинг барча эҳтимолий
оқибатларини қамраб олишини назорат қилиш, жамоатчилик муҳокамасини
оммалаштириш ҳисобига фуқаро ва тадбиркорлар манфаатига таъсир
кўрсатувчи лойиҳаларнинг жамоатчилик назорати остида тайёрланишига
эътибор қаратиш ҳамда ТСТБ соҳасидаги илмий базани янада
такомиллаштириш каби вазифаларни санаб ўтишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий
муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини
таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш
таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПК–5025-сон қарори;

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон қарори;
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори;
6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти (рўйхат рақами 3292, 2021 йил 31 март);
7. Аллакулиев, М. ва бошқалар. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш. Ўқув қўлланма, Тошкент: “Pages Print” 2024;
8. Kirkpatrick, C., Parker, D., *Regulatory impact assessment and regulatory governance in developing countries*, 2004, public administration and development 24. 333-344, Published online in Wiley InterScience (www.interscience.wiley.com) DOI: 10.1002/pad.310.
9. Султанова, С., Issues of development of regulatory impact assessment in the Republic of Uzbekistan, 2023, International Journal of Law and Criminology, 50-55 66.
10. www.oecd.org